

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.11

САФАРОВ ЖАҲОНГИР РУСТАМ ЎҒЛИ

**“ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШДА ФИСКАЛ
СИЁСАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”**

Мутахассислик: 5А340601 “Давлат молиясини бошқариш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

доц. А.Шернаев

Тошкент – 2018

**Диссертация Тошкент молия институти “Молия” кафедрасида
бажарилган.**

Илмий раҳбар

доц. А.Шернаев

Кафедра мудири

и.ф.д., проф. Т.С.Маликов

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доц. У.Д.Ортиқов

Мен, Сафаров Жаҳонгир Рустам ўғли ушбу магистрлик диссертация ишини мустақил бажардим. Кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда магистрлик диссертация иши Якуний Давлат Аттестация Комиссияси раиси тақдимномасига асосан бекор қилиниши ва “Қоникарсиз” баҳо қўйилишидан хабардорман.

Сафаров Ж. _____ “ ” _____

МУНДАРИЖА		БЕТ
	КИРИШ.....	3
1-БОБ.	ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШДА ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ–ҲУҚУҚИЙ ВА УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1.	Фискал сиёсатнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари.....	7
1.2.	Фискал сиёсатни амалга оширишнинг меъёрий –ҳуқуқий асослари.....	14
1.3.	Ўзбекистон Республикаси фискал сиёсатида солиқ тизимининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	20
	1-боб бўйича хулоса.....	27
2-БОБ.	ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	29
2.1.	Давлат бюджети даромадларини ташкил этишда солиқларни тутган ўрнининг таҳлили.....	29
2.2.	Ўзбекистонда солиқ юкини камайтиришга қаратилган фискал сиёсатнинг таҳлили.....	39
2.3	Ўзбекистон Республикаси фискал сиёсатида ижтимоий харажатларни тутган ўрнининг таҳлили.....	48
	2-боб бўйича хулоса.....	58
3-БОБ.	ДАВЛАТ ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	60
3.1.	Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар тушумини такомиллаштириш масалалари.....	60
3.2.	Фискал сиёсат самарадорлигини ошириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари.....	65
	3-боб бўйича хулоса.....	71
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	72
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	75

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислохотлар молиявий сиёсатни, шу билан бир қаторда фискал сиёсатни иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдаги аҳамиятини оширмоқда. Чунки, фискал сиёсат давлат иқтисодиётини тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири саналади, ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражасига фаол таъсир этади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг маърузасида “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни таклиф этаман. Шулардан асосийларидан бири, Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир” деб алоҳида таъкидлади.¹

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, давлат мавжуд экан, ҳам ҳукмрон куч сифатида, шунингдек бюджет харажатларини молиялаштириш усули сифатида солиқлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳукуматимиз томонидан бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг замирида солиқ юкини босқичма – босқич камайтириш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда ўтказилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» маърузаси. //Халқ сўзи. 16.01.2017 й.

назарда тутилмоқда. Бу эса ўз навбатида бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги қарорларнинг самарали бўлишини, даромадлар ва харажатларни режалаштиришда илмий асосланган ва таҳлил этилган иқтисодиётнинг турли соҳаларини барқарор ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мезонлар асосида ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишни талаб этади. Шунингдек, давлат молиясини стратегик такомиллаштиришда фискал ва иқтисодий функцияларнинг мувофиқлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш барқарор фискал сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилади, шу билан бир қаторда ушбу муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бундан кўринадики, мамлакат иқтисодиёти ва мамлакатда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг тақдири ҳукуматнинг фискал сиёсатини қандай амалга ошираётганига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик ишининг объекти Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган фискал сиёсатнинг амалдаги ҳолати ҳисобланса, магистрлик ишининг предмети эса мамлакат миллий иқтисодиётидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш натижасида яратилган миллий даромадни солиқлар воситасида қайта тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик ишининг мақсади амалдаги фискал сиёсатга оид муаммоларни тадқиқ этиш, фискал сиёсат орқали мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш. Юқоридаги мақсадларга эришиш учун магистрлик ишининг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- фискал сиёсатнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асосларини ўрганиш;
- фискал сиёсатни амалга оширишнинг меъёрий – ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикаси фискал сиёсатида солиқ тизимининг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- давлат бюджети даромадларини ташкил этишда солиқларни тутган ўрнини таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда солиқ юкини камайтиришга қаратилган фискал сиёсатни таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси фискал сиёсатида ижтимоий харажатларни тутган ўрнини таҳлил қилиш;
- давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар тушумини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;
- фискал сиёсат самарадорлигини ошириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий янгилиги. Солиқ тизими ва олиб борилаётган фискал сиёсатни комплекс таҳлил қилиш ва ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида тадбиркорлик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бир каторда давлат бюджети манфаатларига мос келувчи йўналишларни белгилаб берувчи тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мазкур магистрлик диссертацияси ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси фискал сиёсатини самарали олиб боришда ҳамда уни амалга ошириш йўллариини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Фискал сиёсатнинг иқтисодий моҳияти ҳамда уни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари хорижлик иқтисодчи олимлар жумладан, Р.Дорнбуш, Р.Шмаленз, С.Фишер, Д.Кейнс, Д.Рикардо, А.Хансен, С.Харрис, С.Мерзляков, Белова

И.А.² каби хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган ва муҳим илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

Фискал сиёсатни такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари Т.Маликов, П.Жалилов, Э.Гадоев, Н.Кузиева, Н.Ашурова, И.Ниязметов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Д.Тожибоева³ каби олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертацияда иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, қиёслаш ва гуруҳлаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Фискал сиёсат воситасида давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий моҳияти, аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилаётган солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш, уларга нисбатан солиқ юкини оптимал вариантларини ишлаб чиқиш буйича олинган ижобий натижаларни мамлакатимиз солиқ тизимига тадбиқ этишдан иборат.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишининг асосий қисми 73 бетдан иборат бўлиб, унда диссертация иши бўйича 8 та жадвал ва 11 та расмлар келтирилган.

² Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. — М.: Финансы и статистика, 1993; Кейнс, Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: избранные произведения/пер. с англ. Дж. М. Кейнс.- М.: Экономика, 1983. -С. 118; Рикардо Д. Сочинения т. II. «Начало политической экономики и налогового обложения». Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, с.360; Классики кейнсианства (Р.Харрод, Э.Хансен), В 2-х. т.М.: Экономика, 1997г.; Мерзляков С.А. «Стратегическое взаимодействие фискальной и монетарной политики в экспортоориентированной экономике». Деньги и Кредит, 2010. № 2. С. 52-63; Белова И.А. «Типы фискального политики государства» Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 6 (187). Экономика. Вып. 26. С. 69–75.

³ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 13 б.; Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурова Н. Солиқ сиёсати стратегияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. 27-б.; Ниязметов И.Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: 2016. 72-б.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик – Т.: ТДИУ, 2014й., 409-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Шарк. 2003 й., 309-б.;

1-БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШДА ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ – ҲУҚУҚИЙ ВА УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фискал сиёсатнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари.

Республикамызда бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичида ишлаб чиқаришнинг қисқариши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, пулнинг қадрсизланиши ва бошқа бир қатор зиддиятли хусусиятларга эга бўлган ижтимоий – иқтисодий инқироз даврига тўғри келди. Маълумки, бундай шароитда асосий юк давлат бюджети зиммасига тушади, натижада молиявий тартибга солиш учун объектив тарзда иқтисодиётга оқилона равишда давлатнинг аралашуви зарур бўлиб қолади. Ислохотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Мана шундай энг муҳим дастаклардан бири давлатнинг изчил олиб борилаётган молиявий сиёсатидир. Молиявий сиёсат қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун, бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг ижросини таъминлашда асосий ўринни эгаллайди. Молиявий сиёсат борасида сўз кетганда, унинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб категория эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунга қадар молиявий сиёсат тушунчаси борасида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, Фарб иқтисодчилари Стенли Фишер, Рудигер Дорнбуш ва Ричард Шмалензилар⁴ молиявий сиёсат тушунчасига фискал сиёсат тушунчаси орқали ёндашадилар. «Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади», — деб таъкидлашади .

Ж.М.Кейнснинг издошлари АҚШдан - А.Хансен, С.Харрис, Буюк Британиядан - Р.Харрод⁵, А.Илерсик, А.Пикок, Франциядан - Ф.Перру, Германиядан - Ф.Неймарк ва бошқалар фискал антициклик назариянинг яратилишини ниҳоясига етказдилар. Бу назариянинг моҳияти

⁴ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. — М.: Финансы и статистика, 1993.

⁵ Классики кейнсианства (Р.Харрод, Э.Хансен), В 2-х. т.М.: Экономика, 1997г.

баланслаштирилган иқтисодий тараққиёт мақсадлари учун давлат даромадлари ва харажатларидаги ўзгаришларга бориб тақалади. Бундан ташқари, Кейнсчилар назарияси нуктаи назаридан фискал сиёсатининг моҳияти солиқ, пул ўтказмалари ва давлат харидларини манипуляция қилиш орқали муайян мақсадлар учун ялпи талабни бошқариш деб ҳисоблайдилар.

Неокейнсчилар самарали талабга эришишнинг усули сифатида “дефицитли молиялаштириш” ғоясини ҳимоя қилдилар. Улар давлат қарзларининг ўсишини инобатга олмаган ҳолда давлат катта харажатларининг зарурлигини исботлаб бердилар. Бироқ хроник характер касб этган катта миқдордаги бюджет дефицитлари иқтисодчи-олимларнинг маълум бир гуруҳини, шу жумладан Стокгольм мактаби вакиллари, жумладан, Э.Линдал, Г.Мюрдаллар бюджетга оид муаммони янгича ҳал этишга мажбур этди. Бу мактаб вакиллари “бюджетни циклик баланслаштириш”, яъни бюджет даромадлари ва харажатларини иқтисодий циклга мослаштириш назариясини таклиф этдилар. Бу назарияга мувофиқ иқтисодий таназзул пайтида вужудга келган бюджет дефицитини давлат иқтисодий ўсиши давридаги ортиқчалар ҳисобидан қоплаши керак. Ана шу тавсияномаларга риоя этган ҳолда бир неча капиталистик мамлакатларнинг ҳукуматлари циклик тартибга солишнинг махсус пул фондларини яратдилар. Америкалик машҳур олимлар К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюлар таклифга йўналтирилган фискал сиёсатни қўллаб-қувватлайдилар. Фискал сиёсат эса жами талабга ва солиқларни ўзгартириш орқали эса таклифга ҳам таъсир кўрсатади. Бюджетдан трансферт тўловлари ва солиқ тизими, бу олимлар фикрича, турли иқтисодий вазиятларда талаб қилинган мувозанатни таъминлаши мумкин.

Бугунги кунда фискал сиёсатга берилган бир қанча таърифлар мавжуд бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:⁶

➤ Фискал сиёсат давлат бюджетини солиққа тортиш тизими орқали шакллантириш ва қўйилган мақсадлар(ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш,

⁶ Белова И.А. «Типы фискального политика государства» Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 6 (187). Экономика. Вып. 26. С. 69–75.

бандлик даражасини кўпайтириш, инфляция даражасини пасайтириш) учун давлат бюджети маблағларини манипуляция қилиш;

➤ Фискал сиёсат – ҳукуматнинг даромад ва харажатларини тартибга солиш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий тартибга солиш чораларининг мажмуидир;

➤ Фискал сиёсат – давлат харажатлари, солиққа тортиш ва давлат бюджети ҳолатини ўзгартириш орқали аҳолининг тўлиқ бандлигини, тўлов баланси ва ЯИМни ноинфляцион ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсиш мувозанатини таъминлашга йўналтирилган ҳукуматнинг чора-тадбирларидир.

Юқорида келтирилган таърифларни умумлаштирган ҳолда фискал сиёсат давлат харажатлари ва солиққа тортиш бўйича чора – тадбирлар кўриш орқали мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган сиёсат эканлиги келиб чиқади.⁷

Фискал сиёсат моҳиятини аниқлашда фискал сиёсатнинг мақсадлари муҳим аҳамиятга эга ва улар қуйидагича:


- Иқтисодий цикл тебранишларини юмшатиш;
- Иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш;
- Инфляциянинг ўртача суръатларида аҳоли бандлигининг юқори даражасига эришиш.

Иқтисодиётни молиявий жиҳатдан тартибга солишда фискал сиёсатнинг бир қанча кучли дастакларидан фойдаланилади. Шунга мувофиқ фискал сиёсатнинг икки турдаги: автоматик ва дискрецион фискал сиёсат йўлларидан борилади(1.1-расмга қаранг).

Автоматик фискал сиёсатда Давлат қонун йўли билан шундай тартибни ўрнатадики, унга биноан молия нормативлари (меъёрлари) жорий этилади. Булар шароит ўзгаришига қараб автоматик равишда амал қилаверади. Булар жумласига солиқ ставкаларини, ишсизлик нафақаси миқдори, даромадларнинг инфляцияга қараб индексация қилиниши, ижтимоий ёрдам

⁷Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Шарқ. 2003. 309-б.

кўрсатиш нормативларини киритиш мумкин. Масалан, даромад солиғи даромад миқдorigа нисбатан 15% қилиб белгиланса, даромад кўпайиши билан унинг миқдори ҳам автоматик равишда ошади. Даромадларни 20 % индексациялаш тартиби ўрнатилган бўлса, нарх ошган тақдирда шу 20% даражада даромад ҳам кўпайтирилади.



1.1-расм. Фискал сиёсатни барқарорлаштириш усуллари⁸

Шароитга қараб янги нормативларни киритиш йўлидан бориш, бу дискрецион фискал сиёсат, деб юритилади. Бу сиёсат доирасида янги солиқ ставкалари жорий этилади, янги солиқлар киритилади, бюджет маблағларини сарфлаш нормативлари ўзгартирилади. Дискрецион сиёсат ўзгарган шароитга мослашиш сиёсатидир. Иқтисодиёт бир маромда ўсиб бораётганда биринчи йўл, у тангликка йўлиқиб, ундан чиқиш керак бўлганда иккинчи, яъни дискрецион йўл устувор бўлади.⁹

Агарда мамлакатимизнинг олиб бораётган фискал сиёсати тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, унда заруратга қараб ҳар иккиси – автоматик ва дискрецион сиёсат амалга ошириляпти деб айтишимиз мумкин.

Иқтисодиёт турғунлик ёки пасайиш даврида бўлган вазиятларда давлат томонидан рағбатлантувчи фискал сиёсат-фискал экспансия олиб борилади.

⁸ Муаллиф томонидан тайёрланган

⁹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик – Т.: ТДИУ. 2014. 409-бет.

Иқтисодиётда тўлиқ бандлик ва ортиқча талаб натижасида инфляция келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларда чекловчи фискал сиёсат - фискал рестрикция олиб борилади. Чекловчи фискал сиёсат давлат харажатларини камайтириш ёки солиқларни ошириш ёки бўлмаса иккала тадбирни бир вақтда олиб бориш орқали иқтисодиётнинг даврий ўсишини чегаралашдан иборат. Ушбу фарқ фискал сиёсат воситаларини танлашда муҳим рол ўйнайди. Агар ҳукумат давлат секторини кенгайтирмоқчи бўлса, даврий пасайишни тугатиш учун ўз харажатларини ошириши, инфляцияни чеклаш учун эса солиқларни ошириши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли фискал сиёсатни амалга оширишда моҳирлик талаб қилинади.

Фискал сиёсатнинг энг асосий вазифаси иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун марказлашган давлат пул фондларини ташкил этиш ва ишлатиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Бундай асосий фондлардан бири - давлат бюджети ҳисобланади. **Давлат бюджети** — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармасидир.¹⁰

Иқтисодий жиҳатдан тўғри фискал сиёсатининг моҳияти солиқ солиш тизими орқали давлат бюджетининг стратегик жиҳатдан тўғри шаклланиши ва белгиланган мақсадларга эришиш учун давлат бюджети маблағларини тўғри сарф қилинганлигида ўз аксини топади.

Фискал сиёсатнинг яна бир хусусиятларидан бири бу ЯИМ динамикасини керакли йўналишга мослаштиришга имкон беришидир. Фискал сиёсатда давлат харажатлари ва солиқлар иқтисодиётни барқарорлаштиришга йўналтирилган, ҳамда давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим воситаларидан саналади.

Фискал сиёсат иқтисодиётни тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усулларини ўз ичига олади. Бевосита усуллари орқали бюджетни

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 3-модда.

тартибга солиш амалга оширилса, билвосита усулларида эса солиқ солиш тизими ёрдамида тартибга солинади.

Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам айтилади. Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора – тадбирлар тушунилади¹¹.

Фискал сиёсат давлат молиявий сиёсатининг бир қисми бўлиб, ҳукуматнинг барча имкониятларидан келиб чиққан ҳолда солиқ ундириш ва давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни, шунингдек, реал ижтимоий масалаларни ҳал этиш ҳамда ишбилармонлик фаоллигини тартибга солишни тақозо этади.

Халқаро амалиётда макродаражада фискал сиёсат тўғрисида гап кетганда, унинг конкрет мазмуни бюджет-солиқ сиёсати орқали намоён бўлаётган бўлишига қарамасдан, бу нарса бюджет-солиқ сиёсатининг фақат ва фақат макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилишига етарли даражада асос бўлаолмайди. Чунки аслида, ўшанда ҳам макродаражадаги фискал сиёсатни молиявий сиёсатдан ажратиб бўлмайди. Кўп ҳолларда, ҳақиқатдан ҳам хориж амалиётида “фискал сиёсат” дейилганда “молиявий сиёсат” назарда тутилади.¹²

Мамлакатимизнинг молиявий сиёсати бир қанча сиёсатларни ўз ичига қамраб олади(1.2-расмга қаранг). Мазкур сиёсат таркибидаги бюджет сиёсати бевосита фискал сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Бюджет сиёсатида асосан Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлаш орқали, давлатнинг вазифаларини бажариш имкониятини берадиган молиявий

¹¹ Хаджаев Х.С., Бакиева И.А., Файзиев Ш.Ш., Макроиқтисодиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 2014, 268-бет.

¹² Маликов Т., Жалилов П., Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма – Т.: Иқтисод-молия. 2011, 13-бет.

маблағларни шакллантиришга қаратилади.



1.2-расм. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари¹³

Айтиш мумкинки, бюджет сиёсати энг аввало, ҳар бир мамлакатнинг Конституцияси ва бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигида алоҳида ҳокимият органларининг функцияларини белгиловчи бошқа қонунлар мажмуига мувофиқ аниқланади. Ўзининг ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан энг катта иш бўлишига қарамасдан бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига тегишли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Қонун бюджет жараёнида ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижроия органлари функцияларини, мамлакат субъектлари функцияларини, бюджет федерализми принципларини, бюджет жараёни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаши керак. Бироқ бюджет сиёсати шу билан чекланмайди. Бюджет сиёсати бюджетда тўпланадиган ЯИМ ҳиссасини аниқлашда, мамлакат юқори ва қуйи органларининг ўзаро муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги

¹³ Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик – Т.: Ношир. 2012. 50-бет.

бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда, давлат қарзини бошқаришда, бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлашда ва бошқаларда ифодаланади. Шунингдек, давлатнинг бюджет сиёсати фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида, асосан даромадлар билан харажатларни баланслаштиришга қаратилган бўлиб, агар даромадлар камайиши юз берса, мувофиқ равишда харажатлар ҳам камайтиради.

1.2. Фискал сиёсатни амалга оширишнинг меъёрий – ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда барча соҳаларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, уларни амалга оширишда тегишли қонун ҳужжатлари асосида фаолият олиб борилади.

Фискал сиёсатнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Солиқ Кодекси, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Амалдаги Бюджет кодексига биноан бюджет тизими бир неча принципларга асосланади ва улардан бири бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш принципи бўлиб, бунда бюджет тизими бюджетларини тузишда бюджет таснифига мувофиқ, даромадлар уларнинг аниқ манбалари бўйича прогноз қилинади, харажатлар эса йўналишлар бўйича режалаштирилади¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 34-моддасига асосан Давлат бюджети қуйидаги даражадаги бюджетлардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари.

Бюджет даромадларини режалаштириш бюджет таснифига мувофиқ амалга оширилади. Бюджет Кодексига мувофиқ, Бюджет таснифи бюджет

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 7-модда.

тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, шунингдек Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбаларини гуруҳлашдан иборат бўлиб, бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш ва ижро этишни тизимлаштириш учун фойдаланилади”¹⁵.

Бюджет таснифини халқаро андозаларга мос келишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома” ишлаб чиқилди ва ушбу йўриқномага кўра, Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг таснифи, даромадлари, уларнинг турлари ва манбалари бўйича кодлашдан иборатдир.

Бюджет таснифи ўз ичига қуйидагиларни олади:


- бюджет тизими бюджетлари даромадларининг таснифини;
- бюджет тизими бюджетлари харажатларининг таснифини;
- давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари таснифини.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳисобланади. Шуниси ҳарактерлики, мазкур ҳужжатда давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг икки мезонга, яъни даромадларни давлат қурилишига кўра ва ташкил топиш манбаларига кўра таснифлаш мезонига амал қилинган. Хусусан, кодекснинг 50-моддасида Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш манбаларига кўра турлари ўз аксини топган (1.3-расмга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-3454 сонли қарорига мувофиқ Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 18-модда.

ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказиб берилади.¹⁶



1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш манбалари¹⁷

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат аҳамиятига молиқ тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли қарори.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 50-модда.

йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Республика бюджети даромадларининг шаклланиш манбалари Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш манбалари билан фарқланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексига мувофиқ Республика бюджети даромадларининг асосий қисмини бюджетга қонунчилик асосида ўрнатилган меъёрлар асосида киритиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ташкил этади(1.4–расмга қаранг). Давлат бюджетининг даромадларига умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари маҳаллий солиқлар ҳам киради.




1.4-расм. Республика бюджети даромадларининг шаклланиш манбалари¹⁸

Республика бюджетининг бошқа даромадларига имзоли бонус ва

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 51-модда.

тижоратбоп топилма бонуси тўланишидан тушган тушумлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари ва жарима санкциялари, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фойдаси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Бюджет кодексининг 52-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари акс эттирилган бўлиб, мазкур бюджетларнинг даромадларини 1.5-расмда кўришимиз мумкин.



1.5-расм. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари¹⁹

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-1-сон. 52-модда.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа даромадларига давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлади²⁰.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги ҳисобот шакллари ўз ичига олади:

- Давлат бюджети ижросининг балансини;
- Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;
- Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;
- Бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани;
- Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйи ча тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни.

Мамлакатимизда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида тартибга

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 165-модда.

солинади. Солиқ кодекси дастлаб 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, йиллар мобайнида солиқ тизимининг такомиллашуви натижасида бир катор ўзгартиришлар киритилиб борилган ва натижада 2007 йилга келиб янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди ва 2008 йил 1 январда амалиётга тадбиқ этила бошлади.

1.3. Ўзбекистон Республикаси фискал сиёсатида солиқ тизимининг тутган ўрни ва аҳамияти

Барчамизга маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ислохотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат бюджетини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш ҳисобланади. Солиқлар узоқ давр мобайнида жамият томонидан яратилган маҳсулотнинг бир қисмини давлат бюджетини тўлдириш учун ундириладиган асосий манба сифатида маълум. Шу билан бирга, солиққа тортиш иқтисодий маданиятнинг бир элементи сифатида давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтган ёки ўтмаганлигига қарамасдан туриб барчасига хосдир. Солиқлар давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молия манбалардан бири бўлиб, у ҳукуматнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича амалга оширишдаги асосий куролидир. Давлат иқтисодиётини солиқлар орқали тартибга солиш бу давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа тортиш йўли билан эса жамиятдаги у ёки бу жараёнларини ривожланишига таъсир этиш мумкин бўлади.

Магистрлик ишимизнинг олдинги параграфида баён этганимиздек, фискал сиёсат бу – давлатнинг бюджет–солиқ сиёсатидир, унга биноан солиқлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ мақсадлар йўлида ишлатилади. Самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритиш бир томондан миллий иқтисодиётнинг барқарор тараққиёти учун муҳим фискал омил родини ўйнаши билан бирга, иккинчи томондан давлат бюджети даромадларини шаклланишининг барқарорлигини таъминлаши зарурдир. Шу

нуқтаи назардан бюджет-солиқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, солиқ сиёсатининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда ушбу икки вазифа устувор аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, фискал сиёсатни амалга оширишда солиқларнинг ўрни бекиёсдир. Бошқача қилиб айтганда фискал сиёсат дейилганда ҳукумат харажатлари ва солиқ тизимини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади. Давлат бюджети харажатларини кўпайтира ёки қисқартира бориб, тўғридан-тўғри хўжалик юритишни тартибга солишни амалга оширади. Чунки бу тадбирлар жами талабга бевосита таъсир қилади. Шу боисдан ҳам давлат солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёз турларини аниқлар экан, шу билан у бюджет харажатларига ва бутун макроиктисодий вазиятга таъсир кўрсатади.

Солиқлар давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади ва шу билан бир қаторда солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим”.²¹

Давлатнинг солиқ даромадлари ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат, капитал, табиат ресурслари иштирокида яратилган қиймат ҳисобига шаклланади. Бу даромадлар давлат эгалигига ўтади ва ҳарбий – сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий тадбирлар учун ишлатилади. Солиқларнинг функцияларидан бири бўлиб ҳисобланган фискал функция ёрдамида давлат пул фонди яратилади, яъни давлатнинг мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатиши учун моддий шароитлар яратилади. Худди шу функция миллий даромаднинг бир қисmini жамиятнинг кам таъминланган қатламлари

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1998. Б.-358.

манфаатлари йўлида қайта тақсимлашдаги реал имкониятларни таъминлайди.

Кўплаб мамлакатларда солиқларнинг ставкалари мақбул даражага нисбатан анча юқори бўлиб, бу эса ўз навбатида назарий моделда ҳисобга олинмаган бошқа омиллар таъсирига бевосита боғлиқдир. Масалан, солиқ юки оғир бўлган баъзи мамлакатларда бюджетни тўлдиришнинг даромад қисми орқали амалга ошириш устунлик қилади. Бундай турдаги мамлакатларда табиийки солиқ ставкалари юқори бўлади. Аксинча, агар мамлакат эркин бозор тизимига интилаётган бўлса, иқтисодиётга минимал давлат аралашуви учун солиқ ставкалари паст бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий йўналтирилган иқтисодга эга бўлиш ва ижтимоий ёрдамга ажратиладиган бюджетнинг катта қисмини тўғридан тўғри жалб қилиш истаги солиқ юкини сезиларли даражада камайтиришга имкон бермайди.

Солиқларни давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришда Ж.М.Кейнс²²нинг хизмати жуда каттадир. Унинг фикрига кўра, бозор механизми такомиллашмаган механизмдир, шунинг учун иқтисодиёт ўз-ўзини бошқаришнинг самарали инструментларига эга эмасдир. Бундай шароитда давлат фақат фискал ва пул – кредит сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиш қобилиятига эгадир. Кейнс мазкур усуллар ичида солиқларни бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги ролига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрига кўра, юқори прогрессив солиқлар давлат бюджетини мувозанатлаштишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бунда давлатнинг адолатли ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этади, чунки аҳолининг кам таъминланган қатламлари солиқдан озод қилинади ва солиқ юки тўлиқ бадавлат солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Кейнснинг қатъий тарзда эътироф этишига кўра, катта жамғармалар иқтисодий ўсишга халақит беради. Чунки, улар ишлаб чиқаришга йўналтирилмайди ва даромадларнинг пассив манбаи ҳисобланади.

²² Кейнс, Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: избранные произведения/пер. с англ. Дж. М. Кейнс.- М.: Экономика, 1983. -С. 118

Шунинг учун ортиқча жамғармаларни солиқлар ёрдамида ундириб олиш зарур.

Давлат бюджет даромадларининг бош моддий манбаи миллий даромад ҳисобланади. Миллий даромадни давлат томонидан ўзлаштириш турли усуллар ёрдамида амалга оширилади. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида миллий даромад давлат томонидан ўзлаштирилиши кўйидаги уч асосий усул воситасида амалга оширилмоқда:

- 1) Солиқлар.
- 2) Давлат кредити.
- 3) Банк тизимининг кредитлари.

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда ва миллий даромадни қайта тақсимлашда биринчи усул устувор аҳамиятга эга. Бунинг боиси шундаки, солиқлар моддий ва ижтимоий мазмунга эга. Улар такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим таркибий қисми ва ишлаб чиқариш муносабатларининг махсус шакли сифатида миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади. Бунинг устига, давлат солиқлардан ўз даромадларини шакллантиришнинг асосий усули сифатида ташкил топган вақтидан бошлаб фойдаланиб келмоқда, ҳозирги вақтда дунёнинг деярли барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджети даромадларининг бирламчи манбаи ҳисобланади. Саноати ривожланган давлатларда, хусусан, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадада солиқлар давлат бюджети даромадларининг 90 фоизгача бўлган қисмини, АҚШда эса 70 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёни қуйидаги принципларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:²³

- солиқларнинг бюджетга олиниши мамлакат миллий бойлиги манбаларининг тугашига олиб келмаслиги керак;
- солиқлар уларни тўловчилар ўртасида тенг тақсимланмоғи лозим;
- солиқларни ишлаб чиқарувчиларнинг айланма фондлари ҳажмига

²³ Ваҳобов А. Маликов Т. Молия: Дарслик. –Т.: Ношир. 2012. 302-б.

таъсир кўрсатмаслиги;

- солиқларнинг соф даромадга нисбатан ҳисобланиши;
- Давлат учун солиқларнинг ундирилиши иложи борица арзонрок бўлиши лозим;
- солиқларнинг ундирилиш жараёни хусусий секторни сиқиб чиқармаслиги керак ва бошқалар.

Бюджет даромадлари давлатни марказлаштирилган молиявий ресурсларининг бир қисми бўлиб, давлат функцияларини бажариш учун зарурдир. Улар пул маблағлари фондларини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабатларни ўзида ифода этади ва турли даражадаги ҳокимият органларининг ихтиёрига келиб тушади.

Бюджет даромадлари – бу давлат бюджет тизимининг бюджетларига қонун ҳужжатларида белгиланган беғаразлик ва қайтариб бермаслик тартибида келиб тушадиган пул маблағлари. Бюджет даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадлардан иборат, шунингдек уларга беғараз пул ўтказмалари ҳам киради.²⁴

Бюджет даромадлари давлат даромадларига нисбатан торроқ тушунчадир. Чунки давлат даромадлари ҳокимиятнинг барча даражадаги бюджетларининг молиявий маблағлари билан биргаликда яна ўзининг таркибига давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ва давлат секторига тегишли бўлган бошқа ресурсларни ҳам қамраб олади.

Бюджет даромадларининг асосий манбаи миллий даромаддир. Агар давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш учун миллий даромад етарли бўлмаса, давлат бундай эҳтиёжни қондиришга миллий бойликни жалб этиши мумкин. Бу ерда миллий бойлик деганда маълум бир даврда жамиятнинг ихтиёрида бўлган, ҳозирги ва ўтган авлоднинг меҳнатлари эвазига яратилган моддий неъматлар ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган табиий ресурслар мажмуи назарда тутиляпти.²⁵

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон.

²⁵ Ваҳобов А. Маликов Т. Молия: Дарслик. –Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2011. 171-б.

Миллий даромадни давлат ихтиёрига ўтказиш турли методлар ёрдамида амалга оширилади. Солиқлар, давлат кредити ва пул эмиссияси давлат ҳокимияти органлари томонидан миллий даромадни қайта тақсимлаш ва бюджет даромадларини шакллантириш учун фойдаланилаётган методларни асосийлари бўлиб ҳисобланади. Бу методлар ўртасидаги нисбат мамлакатлар ва даврлар бўйича турлича бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий вазият, ижтимоий-иқтисодий ва молиявий аҳволи билан белгиланади.

Амалиётда давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги тартибда классификацияланади (1.6-расмга қаранг).



1.6-расм. Давлат бюджети даромадларининг классификацияланиши²⁶

Тўғри (бевосита) солиқлар таркибига юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, микрофирмалар ва кичик

²⁶ Ваҳобов А. Маликов Т. Молия: Дарслик. –Т.: Ношир. 2012. 305-б.

корхоналар учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солиқ киради.

Эгри (билвосита) солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божлари; транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқлардан иборат.

Ресурс тўловлари ва мол – мулк солиғи. Бу гуруҳга кирувчи солиқлар ва тўловлар мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ўз ичига олади.

Давлат бюджетининг даромадлари мажбурий ёки ихтиёрий тарзда жалб қилиниши мумкин. Бунда даромадларни мажбурий шаклда жалб қилиш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ихтиёрий шаклдаги тўловларга давлат облигацияларини ва пул-буюм лотореяларини реализация қилишдан олинган тушумлар киради. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги мажбурийлик юридик ва жисмоний шахслар томонидан маълум бир маблағлар белгиланган муддатларда бюджетга ўтказилиши зарурлигини англатади. У ёки бу тўловни қонун томонидан мажбурий деб эътироф этилиши тўланмаган суммаларнинг мажбурий ундирилишини кўзда тутди. Бу ҳолат бюджетнинг ижроси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, маблағларни тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга жалб этишга йўналтирилган.

Субъектларнинг даромадлари Давлат бюджети ихтиёрига икки хил методларни қўллаб, олиниши мумкин:

- 1) солиқли методлар;
- 2) носолиқли методлар.

Солиқли методлар учун маблағларнинг давлат бюджетига фойдасига аниқ белгиланган миқдорларда ва олдиндан ўрнатилган муддатларда ундирилиши характерлидир. Солиқларнинг ундирилиши мамлакат ялпи ички

(миллий) маҳсулоти ва миллий даромадининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши билан боғлиқ. Улар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми давлат ихтиёрига ўтказилади. Солиқларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқа солиқлар киради.

Носолиқли даромадлар давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотлардан олинадиган тўловлардир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, давлат томонидан амалга ошириладиган фискал сиёсат, мамлакат миллий иқтисодиётида ташкил қилинган солиқ тизимининг асосий қоидаларига жавоб бериши ва иқтисодиётдаги ички ўзаро муносабатларни тартибга солиши зарур.

1 – боб бўйича хулоса

Фискал сиёсатнинг асосий воситалари солиққа тортиш тизими ва давлат харажатлари ҳисобланади. Фискал сиёсатнинг мақсади иқтисодий цикл тебранишларини юмшатиш, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш, инфляциянинг ўртача суръатларида аҳоли бандлигининг юқори даражасига эришишдан иборат.

Фискал сиёсатни амалга оширишда автоматик ва дискрецион фискал сиёсат турларидан фойдаланилади. Фискал сиёсатни амалга ошириш натижасида даромад ва харажатларни мутаносиблигини таъминлашга эришилиш кўзда тутилган экан, шу масалани тўғри йўлга қўйиш мақсадида бюджетни даромадларини тўғри режалаштириш мақсад қилиб қўйилган. Шу муносабат билан қабул қилинган Бюджет Кодексида давлат бюджети даромадлари умумий тарза берилган бўлсада, Республика ва маҳаллий бюджет даромадлари, жумладан вилоят, шаҳар ва туман бюджет даромадлари ҳам алоҳида алоҳида, манбалари кўрсатилган ҳолда берилган. Худди шундай бюджет харажатлари ҳам ушбу кодексда ҳар бир бюджет бўйича алоҳида келтирилган.

Солиқлар давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади ва шу билан бир қаторда солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2-БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШДА ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Давлат бюджети даромадларини ташкил этишда солиқларни тутган ўрнининг таҳлили

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳоли турмуш салоҳиятини ошириш, истеъмол бозорини такомиллаштириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши юзасидан муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан мамлакатда ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш, фискал сиёсатни такомиллаштириш, бюджет тақчиллигини тартибга солиш каби вазифаларни амалга ошириш учун давлат даромадларини, аввало солиқларни тўлиқлигича бюджетга тушириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада давлатнинг молия сиёсатида солиқ сиёсати, солиқларнинг аҳамиятини ошириш молия сиёсатининг олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим рол ўйнайди.

Давлат солиқ сиёсати иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради ёки чеклайди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек – “Солиқ сиёсатининг асосий вазифаси – бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан иборат, иккинчи томондан – корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”²⁷. Бугунги кунда солиқ соҳасида самарали чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ижтимоий иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган таркибий ўзгартиришлар ва ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 18 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора

²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон", 1998. 52-бет.

– тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5116 сонли Фармони қабул қилинди. Бизнинг фикримизча, ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш мамлакатимизда солиқ сиёсатини самарали юритиш, солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва шу билан бир қаторда давлат бюджетига солиқлар тушумининг салмоғи ортиб боришига хизмат қилади.

Давлат бюджети даромадларининг бюджетга тушишининг узлуксизлиги таъминланса, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожланиши учун етарли даражада харажатлар қилиш имконияти мавжуд бўлади ва аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади. Давлат бюджетининг харажатлар қисмини оптималлаштириш, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, ижтимоий зарурий соҳаларни ривожлантириш истиқболларини кўзлаган ҳолда харажатларни мақсадли йўналтириш ва бу қилинаётган харажатларни келгусидаги самарадорлик кўрсаткичларини эътиборга олиш бугунги кундаги фискал сиёсатни асосий вазифаси ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда давлат томонидан юритилаётган солиқ сиёсатига, шу жумладан даромадларни режалаштиришга қўйиладиган талаб ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Бунда аниқлик, эҳтиёткорлик ва маъқул йўлни танлаш каби вазифалар муҳим ўрин тутди. Чунки даромадларни режалаштириш, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлардан кутилаётган натижаларни тўғри баҳолай олмаслик бир томондан, катта миқдордаги давлат маблағлари йўқотилишига ёки хатоларни тузатиш учун кетадиган узоқ вақт сарфланишига олиб келса, иккинчи томондан эса, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкининг ошиб кетиши, уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтириши мумкин бўлган маблағларини олиб қўйишга сабаб бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, давлат бюджет даромадларини режалаштиришни иқтисодий ҳолатини чуқур ўрганган, кўзда тутилаётган солиқ сиёсатининг натижаларини тўғри баҳолаш жуда муҳимдир.

Магистрлик диссертациямизнинг биринчи бобида Давлат бюджети даромадларининг таркиби билан танишар эканмиз, давлат бюджети даромадлари қисмида солиқларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Бюджет даромадларининг таркиби ва унинг тузилмаси доимий бўлмасдан, улар мамлакат тараққиёти ва давлат олдидаги вазифаларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб боради. Бунинг яққол мисоли сифатида, Ўзбекистон Республикасининг 2015-2017 йиллар мобайнидаги Давлат бюджети даромадлари таркиби ҳолатини кўриб чиқсак (2.1-жадвалга қаранг).

2.1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркиби тўғрисида маълумот (жамига нисбатан млрд.сўмда)²⁸

Т/р	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР			2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши	
		2015	2016	2017	млрд. сўм	%
	Жами даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз)	36493,3	41030,7	49684,8	8654,1	121,1
1.	Бевосита солиқлар	8798,4	9853,6	11538,9	1685,3	117,1
2.	Билвосита солиқлар	19193,8	21131,0	26133,6	5002,6	123,7
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4816,1	5 306,2	4 311,6	1561,2	129,4
4.	Бошқа даромадлар	3685,0	4739,9	3729,6	-1010,3	78,7

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадлари таркиби бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи, бошқа даромадлардан иборат. Жадвал маълумотларига кўра, 2015-2017 йиллар оралиғида давлат бюджетининг жами даромадлари(мақсадли жамғармаларсиз) ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда 36493,3 млрд.сўмни, 2016 йилда 41030,7 млрд.сўмни ва 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 49684,8 млрд.сўмни ташкил этган, ҳамда


²⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2015-2017 йй.

2017 йилда жами давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) 2016 йилга қараганда 8654,1 млрд.сўм (121,1 фоиз)га кўпайган.

Бевосита солиқлар сўнги уч йилда, яъни 2015 йилда 8798,4 млрд.сўмни, 2016 йилда 9853,6 млрд.сўмни ва нихоят 2017 йилда 11538,9 млрд.сўмга етган. Бевосита солиқлар бўйича тушум 2017 йилда 2016 йилга қараганда 1685,3 млрд.сўм (17,1 фоиз)га ортган. Билвосита солиқлар 2015 йилда 19193,8 млрд.сўмни, 2016 йилда 21131,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 26133,6 млрд.сўмни ташкил этган. Ушбу солиқлар бўйича давлат бюджетига 2017 йилда 2016 йилга қараганда 5002,6 млрд.сўм (23,7 фоиз)га кўп давлат бюджетига солиқ тушуми келиб тушиши таъминланган. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича сўнги уч йиллик (2015, 2016, 2017) маълумотларга қараганда давлат бюджетига 2015 йилда 4816,1 млрд.сўм, 2016 йилда 5 306,2 млрд.сўм ва 2017 йилда 4 311,6 млрд.сўм миқдорда солиқ тушумлари келиб тушган бўлиб, 2017 йилда мазкур солиқ тури бўйича тушум 2016 йилга қараганда 1561,2 млрд.сўм (29,4 фоиз)га ортган. Бошқа даромадлар бўйича давлат бюджетига 2015 йилда 3685,0 млрд.сўм, 2016 йилда 4739,9 млрд.сўм ва 2017 йилда 3729,6 млрд.сўм миқдорда пул маблағлари келиб тушган бўлиб, 2017 йилда 2016 йилга қараганда давлат бюджетига тушум миқдори -1010,3 млрд.сўм(21,3 фоиз)га камайган.

Маълумки, давлатнинг фискал сиёсатида давлат бюджетининг даромадлари муҳим аҳамият касб этади. Агарда давлат бюджети даромадлари таркибининг ўзгаришига баҳо берадиган бўлсак, билвосита солиқлар таҳлил қилинаётган сўнги уч йилда Давлат бюджети жами даромадлари(мақсадли жамғармаларсиз)нинг катта салмоғини ташкил этганлигини кўришимиз мумкин(2.1-расмга қаранг). Жумладан, 2015 ва 2017 йилларда Давлат бюджети жами даромадлари(мақсадли жамғармаларсиз)да билвосита солиқларнинг улуши 52,6 фоизни ташкил этган бўлиб, биргина 2016 йилда 51,5 фоиз кўрсаткичига эга бўлган. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан

кенг имкониятлар яратиб берилганлиги туфайли бевосита солиқларнинг давлат бюджети даромадлари таркибида ҳиссаси ортган. Мисол тариқасида 2015 йилда бевосита солиқларнинг улуши 24,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 ва 2017 йилларда мос равишда 24,0 фоиз ва 23,2 фоизга тенг бўлган.



2.1-расм. Давлат бюджети даромадлари(мақсадли жамғармаларсиз) таркибида солиқлар салмоғининг ўзгариши, фоизда²⁹

Шунингдек, ресурс тўловлари ва мулк солиғининг давлат юджети даромадларидаги улуши 2015 йилда 13,2 фоизни, 2016 йилда 12,9 фоизни ва ниҳоят 2017 йилда 13,8 фоизни ташкил этган. Бошқа даромадларнинг улуши эса, таҳлил қилинаётган даврларга мос равишда 10,1 фоизни, 11,6 фоизни ва 7,5 фоизни ташкил этган.

Тўғри солиқларни солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс ҳисобланади. Шу

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2015-2017 йй.

сабабдан тўғри солиқ юкини бошқалар зиммасига юклатиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқлар таркибига барча даромаддан тўланадиган солиқлар ва мол –мулк (ресурс) солиқлари киради. Тўғри солиқлардан тўғридан – тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан бир қаторда давлат бюджетига тушумлар салмоғини оширади. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охир – оқибатда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан – тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқ.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бевосита солиқлар таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, бевосита солиқларнинг таркибида асосий ўринлардан бирини эгаллаб турган жисмоний шахслар даромадига солиқнинг миқдори сўнгги тўрт йил мобайнида ортиб борганлигини кўришимиз мумкин, яъни бу кўрсаткич 2015 йилда 3800,7 млрд.сўм, 2016 йилда 4137,4 млрд.сўмга тенг бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 4876,7 млрд.сўмни ташкил этган ва 2017 йилда 2016 йилга қараганда давлат бюджетига ушбу солиқ бўйича 739,3 млрд.сўм (17,9 фоиз) кўп тушум тушиши таъминланган.

Бевосита солиқларнинг таркибидаги биргина ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда мазкур солиқ тури бўйича давлат бюджетига 736,2 млрд.сўм тушган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 721,9 млрд.сўмни ва 2017 йилда 685,5 млрд.сўмга тенг бўлган. Натижада, 2017 йилда 2016 йилга қараганда давлат бюджетига -36,4 млрд.сўм, яъни фоиз ҳисобида 5,0 фоиз кам пул маблағлари келиб тушган (2.2-жадвалга қаранг).

**2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети
даромадларида бевосита солиқларнинг ўзгариш динамикаси³⁰**

Т/р	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР			2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши	
		2015	2016	2017	млрд. сўм	%
1.	Бевосита солиқлар	8798,4	9853,6	11538,9	1685,3	117,1
1.1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1180,5	1215,1	1475,5	260,4	121,4
1.2.	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1207,8	1516,1	1707,6	191,5	112,6
1.3.	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	1191,7	1440,8	1750,8	310,0	121,5
1.4.	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	3800,7	4137,4	4876,7	739,3	117,9
1.5.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	681,5	822,3	1042,9	220,6	126,8
1.6.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	736,2	721,9	685,5	-36,4	95,0

Энди эса бевосита давлат бюджети даромадлари таркибидаги эгри(билвосита) солиқлар тўғрисида сўз юритсак. Эгри солиқлар маҳсулот баҳосига ёки хизмат ҳақиға устама сифатида белгиланадиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлардир. Эгри солиқлар объектини белгилашда давлат товар ёки хизматларнинг сотилиши пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилиши билан ҳақиқатда янги қийматнинг тақсимланишида иштирок этади. Эгри солиқлар тўғри солиқлардан фарқли ўлароқ солиқ тўловчининг даромади ёки мол-мулкига бевосита боғлиқ эмас.

Шу сабабли, солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган солиқ юки солиқ тўловчиларнинг молиявий фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қилмайди. Эгри солиқлар товарнинг ёки хизматнинг баҳосида ҳисобга

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2015-2017 йй.

олинганлиги учун уларни пировард тўловчиси истеъмолчи ҳисобланади. Лекин тармоқ ичидаги рақобат юксак бўлганида ва талаб барқарор бўлмаган ҳолда солиқларнинг муайян қисми товарни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи томонидан тўланади.

Сўнги уч йиллик маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, давлат бюджетида билвосита солиқлар 2015-2017 йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, таҳлил қилинаётган даврда бевосита солиқлар таркибидаги солиқ турларига қараганда давлат бюджетига қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғидан тушумларнинг салмоғи ортиб борганлигини кўришимиз мумкин(2.3-жадвалга қаранг).

2.3-жадвал

2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида билвосита солиқларнинг ўзгариш динамикаси³¹

Т/р	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР			2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши	
		2015	2016	2017	млрд. сўм	%
2.	Билвосита солиқлар	19 193,8	21 131,0	26 133,6	5 002,6	123,7
2.1.	Қўшилган қиймат солиғи	10 851,0	11 891,6	14 686,2	2 794,6	123,5
2.2.	Акциз солиғи	5 618,4	6 258,5	7 449,2	1 190,7	119,0
2.3.	Божхона божи	1 481,5	1 449,5	1 707,4	257,9	117,8
2.4.	Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	1 242,9	1 531,3	1 784,5	253,2	116,5

Қўшилган қиймат солиғидан 2015 йилда 10 851,0 млрд.сўм, 2016 йилда 11 891,6 млрд.сўм ва 2017 йилда 14 686,2 млрд.сўм давлат бюджетига пул маблағлари тушуми таъминланган ва 2017 йилда 2016 йилга қараганда ушбу солиқдан тушум миқдори 2 794,6 млрд.сўм (23,5 фоиз)га кўпайган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, қўшилган қиймат солиғини жорий этиш давлат бюджети маблағларининг чекланган миқдорини пасайтиради. Бу

³¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2015-2017 йй.

эса тахминан 143 мамлакатнинг 25 йил мобайнида қўшилган қиймат солиғини қабул қилиш эҳтимоли қўшилган қиймат солиғидан тушадиган даромадлар таъсирини тавсифловчи тизимнинг баҳоланишига олиб келади. Натижада, қўшилган қиймат солиғини қабул қилишнинг аниқ белгилари ва бойлик даражасига сезиларли, аммо кучли таъсир кўрсатадиган бир катор мураккаб тўсиқлар вужудга келади. Ҳисоб-китобларга қараганда қўшилган қиймат солиғини қабул қилган мамлакатлар кўп жиҳатдан самарали солиқ механизмига эга бўлишган.³²

Акциз солиғи бўйича эса таҳлил қилинаётган даврга мос равишда 2015 йилда 5 618,4 млрд.сўм, 2016 йилда 6 258,5 млрд.сўм ва 2017 йилда 7 449,2 млрд.сўмни ташкил этган ва 2017 йилда 2016 йилга қараганда 1 190,7 млрд.сўм(19,0 фоиз) кўп миқдорда давлат бюджетига солиқ тушуми келиб тушиши таъминланган.

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бозор иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим рол ўйнайди. Солиқларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятларга эга: ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, улар рента тўловидир. Бошқача қилиб айтганда, бу қайта тикланмайдиган табиий, ер ва сув захираларидан фойдаланганлик учун ўзига хос тўлов бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ресурс тўловлари тизими турли шароитларда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлашга, табиий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни рағбатлантиришга, уларнинг талон-тарож қилинишига йўл қўймасликка қаратилган. Айнан шу сабабли давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ресурс солиқлари янада муҳим ўрин тутиши белгиланган.

³² Michael Keen. Ben Lockwood. The value added tax: Its causes and consequences. Journal of Development Economics. Vol.92, Issue 2, July 2010, Pages 138-151. (<https://www.scopus.com>), (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304387809000133>).

Жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, 2015-2017 йиллар мобайнида ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича давлат бюджетига тушум йилдан йилга ошиб борган. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ таҳлил қилинаётган даврда ресурс тўловлари ва мулк солиғининг қарийб 52,0 фоизини ташкил этган бўлиб, 2015 йилда 2514,6 млрд.сўмга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 3474,1 млрд.сўмдан иборат бўлган ва давлат бюджетига 2017 йилда 2016 йилга қараганда 956,4 млрд.сўм (38,0 фоиз) ортиқ маблағ тушган (2.4-жадвалга қаранг).

2.4-жадвал

2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида билвосита солиқларнинг ўзгариш динамикаси³³

Т/р	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР			2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши	
		2015	2016	2017	млрд.сўм	%
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4816,1	5306,2	6867,4	1561,2	129,4
3.1	Мулк солиғи	393,0	1659,3	2129,7	470,4	128,3
3.2.	Ер солиғи	750,1	966,7	1091,8	125,1	112,9
3.3.	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун со-лиқ	2514,6	2517,7	3474,1	956,4	138,0
3.4	Сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун солиқ	158,4	162,5	171,8	9,3	105,7

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Ресурс тўловлари ва мулк солиғи таркибидаги бошқа солиқ турларига қараганда кам салмоққа эга бўлган бўлиб, 2015 йилда 158,4 млрд.сўмга тенг бўлган бўлса, 2016 йилда 162,5 млрд.сўмни ташкил этган ҳамда 2017 йилда 2016 йилга қараганда 9,3 млрд.сўм (5,7 фоиз)га ортиганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, солиқ тушумлари муҳим макроиқтисодий жараёнлар кўлами ва улардаги ривожланиш суръатларига жиддир таъсир кўрсатадиган молиявий оқимларни бошқаришда давлатнинг муҳим инструменти ҳисобланадиган давлат бюджетини маблағ билан таъминлайди.

³³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2015-2017 йй.

2.2. Ўзбекистонда солиқ юкини камайтиришга қаратилган фискал сиёсатнинг таҳлили

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг учинчи йўналишида макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мақсадида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш³⁴ каби вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, солиққа тортиш тизимида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг оптимал даражасини аниқлаш масаласи бугунги кундаги долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммо доимий долзарблигининг асосий сабаби шундаки, жамият аъзолари томонидан яратилган даромадларнинг бир қисмини солиқлар ёрдамида давлат бюджетига олиб қўйилиши давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги мулкӣ муносабат бўлиб, ушбу муносабат иқтисодиётда шаклланган даромадларни тақсимлаш сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, иқтисодиётда оптимал солиқ юки даражасини ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга, бу орқали эса мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга, шу билан бир қаторда солиқларнинг фискал аҳамиятини оширишга эришиш мумкин.

Солиқ ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади макроиктисодий самарадорликка эришиш ҳисобланиб, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хизмат қиладиган бир қатор солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиққа тортиш базаларидан

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. //”Халқ сўзи”, 8 февраль 2017 йил.

самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин, бу иқтисодий ривожланишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Улардан фойдаланишда эҳтиёткорлик билан, яъни иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир этиш муаммоларини ҳал этиш билан ёндошмоқ лозим.


Солиқ юки солиққа тортиш даражасини аниқловчи кўрсаткич бўлиб, солиқ тўловчи томонидан яратилган янги қиймат ёки олинган ялпи даромаднинг қанча қисми мажбурий тарзда давлат ихтиёрига қайта тақсимланишини билдиради.³⁵

Солиқ юки тушунчаси турли манбаларда турлича талқин қилинади, унга ҳар хил таърифлар берилади. Уларнинг ичида энг кенг тарқалгани ва, айниқса, давлатнинг фискал идоралари томонидан кўп ишлатиладигани бу ЯИМ таркибидаги солиқлар улушига “солиқ юки” сифатида таъриф беришдир. Бу кўрсаткичнинг назарий моҳияти шундаки, у маълум бир ҳисобот даврида мамлакатда яратилган ЯИМнинг қанча қисми солиқлар воситасида қайта тақсимланганлигини, яъни ЯИМда давлат бюджети даромадлари салмоғини кўрсатади.

Солиқ юкининг ва солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири жуда ҳам юқори бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўзгариши мамлакат фискал сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқдир. Солиқ юкининг макроиқтисодий ҳолатга таъсирини солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, иқтисодий барқарорликка таъсири каби масалалар билан баҳолаш мумкин. Солиқ юки ва мамлакатнинг фискал сиёсати макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилларидан саналади. Иқтисодий ўсиш макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва инвестиция муҳитини яхшилашда мамлакатдаги солиқ юки ва солиқ сиёсати алоҳида ўрин тутади ва бу масалаларни такомиллаштириш лозимлиги бугунги кун иқтисодиётининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

³⁵ Гадовое Э., Кузиева Н., Ашурова Н. Солиқ сиёсати стратегияси .Ўқув қўлланма.-Т.: 2013., 113-бет.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2017 йиллар мобайнида ЯИМга нисбатан солиқ юки пасайиш тенденциясига эга бўлган. Агарда, 2012 йилда бу кўрсаткич 22,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 21,3 фоизга тенг бўлган ҳолда, мазкур йилдан бошлаб солиқ юки кўрсаткичи жадал суръатларда пасая бошлаган ва 2017 йилга келиб 19,9 фоизни ташкил этган. Ўтган беш йиллик билан таққослайдиган бўлсак, 2017 йилда 2015 йилга қараганда солиқ юки 2,1 фоизга пасайган.



**2.2-расм. ЯИМга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси
(ЯИМга нисбатан фоизда)³⁶**


Солиқ юкининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлигининг боиси шундаки, солиқ тушумларининг ўсиш суръатидан ЯИМнинг ўсиш суръати юқори бўлганлиги ҳисобланади. Солиқларнинг фискаллик функцияси нуқтаи-назаридан бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки давлатнинг ижтимоий – иқтисодий харажатларини молиялаштириш имконияти пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Лекин солиқларнинг иқтисодий функцияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ижобий ҳолат

³⁶Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2012-2017 йй.

хисобланади. Бунинг сабаби, солиқ юкининг камайиши давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқараётганлигидан далолат беради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, давлат фискал сиёсати, молиявий тизим ва ресурсларни бошқаришнинг илғор хориж тажрибасидан республикаимизнинг барча соҳаларида фойдаланиш масалалари бугунги кундаги яна бир долзарб масалалардан бири саналади.

Кўпчилик иқтисодчилар томонидан солиқ юкининг меъёрий даражаси 30 фоизгача деб эътироф этилади. Яъни, агарда мамлакатдаги умумий солиқ юки 30 фоизгача бўлганда иқтисодиёт яхши ривожланади. Солиқлар иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмайди деган фикрлар юради, аммо, аниқланишича, дунёда бирор бир мамлакат йўқки солиқ юкини меъёрий, талаб даражасини аниқлаган ёки солиқ юки маълум даражада турса, иқтисодий ривожланиш юқори бўлади, деган амалий фикрлар йўқ. Кўпгина давлатларда бу кўрсаткични таҳлил қилиб бунга гувоҳ бўламиз (2.3-расмга қаранг).



2.3-расм. Дунёнинг айрим мамлакатларида солиқ юки даражаси (ЯИМга нисбатан фоизда)³⁷


³⁷ Адизов С. Солиқ юки динамикасидаги ўзгаришларни эконометик моделлаштириш. Молия Журнали. 1/2016,89-6.

Жадвал маълумотларидан аниқ бўлдики, юқори солиқ юки Дания ва Швеция давлатларига тўғри келиб, мос равишда 48,3 ва 46,7 фоизни ташкил қилмоқда. Шунингдек ИХРТ га аъзо мамлакатларда эса бу кўрсаткич 37 фоизни ташкил этмоқда. Таҳлил қилинган хорижий мамлакатлардаги солиқ юки даражаларига эътибор берсак, солиқ юкининг назарий жиҳатдан талқин қилинган меъёрий даражаси 30 фоиздан анча юқори бўлиб, айрим мамлакатларда эса солиқ юки хатто 40 фоиздан ортиқлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда эса солиқ юки юқорида кўрганимиздек 30 фоиздан ҳам кам кўрсаткични ташкил этади. Агар масалага назарий жиҳатдан талқин қилинган меъёр томонлама ёндашилса, республикаимизда солиқ юкининг мақбул даражасига эришилди, дейиш мумкин. Бироқ, фикримизча, фақат макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили асосидагина хулоса чиқариш ўринли эмас. Чунки, ялпи солиқ юкини аниқлашда ҳисобланган солиқлар эмас, балки бюджетга ҳақиқатда келиб тушган солиқ суммалари ҳисобга олинади. Бу эса, солиқлар бўйича бюджетга тўловсизлик муаммоси мавжуд бўлган бугунги шароитда, ҳисобланган, аммо бюджетга тўланмаган солиқ суммаларининг ялпи солиқ юки таркибига кирмай қолиши ва натижада унинг паст даражада шаклланишига сабаб бўлади. Ривожланган мамлакатларда эса бундай муаммолар маълум даражада бартараф қилинганлиги сабабли бюджетга тўловсизлик даражаси ҳам, солиқ юки тақсимотидаги тафовутлар ҳам жуда сезиларсиз кўринишга эга.

Солиқ ставкасининг ўзгариши солиқ юки даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи энг асосий омиллардан бири саналади. Давлат ҳам асосан солиқ ставкалари даражасини ўзгартириш орқали солиқ юкини камайтиради ёки оширади. Аммо, масаланинг бошқа томони шундаки, барча солиқларнинг ставкалари ҳам солиқ юки даражасига бир хилда таъсир кўрсата олмайди. Бу ушбу солиқларнинг базаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ соҳасидаги чуқур ислохотлар натижасида солиқ юки сўнгги йилларда бир неча пунктга камайтирилди. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида йилдан йилга солиқ турларидаги ставкаларининг пасайишини келтиришимиз мумкин. Хусусан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи йиллар кесимида пасайиб келмоқда (2.4-расмга қаранг).



2.4-расм. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасининг ўзгариши, фоизда³⁸

Расм маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган ўн йилликнинг илк йилларида, яъни 2008-2009 йилларда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 1,0 фоизга пасайган ҳолда, 2013 йилга қадар 9 фоизга тенг бўлган. Сўнгги уч йилда, яъни 2015-2017 йиллар мобайнида мазкур солиқнинг ставка кўрсаткичи 7,5 фоизни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда ва иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайди.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2008-2017 йй.


Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2018 йилдан бошлаб фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилди, ҳамда солиқ ставкаси 14 фоиз қилиб белгиланди.³⁹ Бу эса ўз навбатида мамлакат фискал сиёсатининг энг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланган солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида солиқлар тўсқинлик қилиши ушбу субъектларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохотлари натижасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ солишда соддалаштирилган солиқ тизими ишлаб чиқилган.

Қайд этиб ўтиш жоизки, кичик бизнес субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлашни кўзда тутган ҳолда, уларнинг солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Жумладан, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови(ЯСТ) ставкаси пасайтирилди. Хусусан, ушбу солиқнинг ставкаси мунтазам пасайтирилиб, 2017 йилга келиб 5 фоизгача туширилди (2.5-расмга қаранг).

2.5-расм маълумотларидан кўринадики, ягона солиқ тўлови ставкаси 2007 йилда 10 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 5 фоизга тушган. Яъни, ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар учун асосий солиқ ставкаси 2 баробарга қисқарган. Бу эса, кичик бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юкининг сезиларли даражада камайишига хизмат қилган.

³⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ 3454-сонли қарори.



2.5-расм. 2007-2016 йилларда ЯСТ умумий ставкасининг ўзгариши, фоизда⁴⁰

Солиқ юкининг ўзгаришига яна бир омиллардан бири солиқ имтиёзларининг таъсирidir. Сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишга муҳим аҳамият берилаётганлиги ва бу борада амалга оширилаётган тизимли ишларнинг асоси сифатида ҳам айнан солиқ имтиёзларини айтишимиз мумкин.

Солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради. Бундан ташқари, жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2007-2017 йй.

давлатни ўз функция ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим дастак сифатида фойдаланади. Бундан ташқари, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши солиқ юкининг камайишини таъминлайди. Одатда, тармоқ ва корхоналарга қўлланиладиган солиқ имтиёзларини жорий этишдан бош мақсад ҳам солиқ юкини оптималлаштириш ҳисобланади. Солиқ имтиёзларининг солиқ юкига таъсир кўрсатиши бевосита таъсир кучига эга ҳисобланади. Одатда иқтисодчилар томонидан ортиқча солиқ имтиёзларининг берилиши давлат даромадларидаги тушумнинг камайишига олиб келиниши кўп бора таъкидлансада, аммо солиқ имтиёзларининг жорий этмасдан, солиқ юкини муттасил равишда ошиб бориши солиқдан қочиш каби ҳолатларга олиб келади.

Ўзбекистонда бугунги кунда солиқ тўловчиларга барча солиқ турлари бўйича кенг имтиёзлар берилмоқда. Натижада солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқ турлари бўйича салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар жами имтиёзлар суммасининг 77,8 фоизини ташкил этган бўлса 2016 йилда бу кўрсаткич 53,4 фоизини ташкил этган яъни кескин равишда камайиш кузатилган. Бунинг сабабини бошқа солиқ турларидан имтиёзлар улушининг ортиб кетиши билан изоҳлаш мумкин(2.6-жадвалга қаранг).

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида жами солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари бўйича улуши (фоизда)⁴¹

№	Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР				
		2012	2013	2014	2015	2016
1.	Умумий солиқ имтиёзлари	100	100	100	100	100
2.	Қўшилган қиймат солиғи	77,8	84	81	85,9	53,4
3.	Фойда солиғи	5,1	5	6,8	0,7	3,9
4.	Ягона солиқ тўлови	3,6	4	3,8	4,4	6,9
5.	Бошқа солиқлар ва мақсадли Жамғармалар	13,5	7	8,4	9	35,8

Фойда солиғи бўйича бу кўрсаткич 2012 йилда 5,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 3,9 фоизни ташкил этган ёки 1,2 фоизли пунктга

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди, 2012-2016 йй.

камайган. Ягона солиқ тўлови бўйича 2012 йилда 3,6 фоизни, 2016 йилда 6,9 фоизни ташкил этган ёки 3,3 фоизли пунктга ўсган. Шунингдек, бошқа турдаги солиқлар ва мақсадли жамғармалар бўйича 22,3 фоизли пунктга ўсган.

2.3 Ўзбекистон Республикасининг фискал сиёсатида ижтимоий харажатларнинг тугган ўрнининг таҳлили

Маълумки, бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунингдек, давлат бюджети иқтисодий категория ҳисобланиб, унинг моддий асосини ижтимоий такрор ишлаб чиқариш натижасида яратилган қиймат ташкил этилади. Хусусан, ялпи ички маҳсулотни бюджет орқали қайта тақсимлаш бир вақтнинг ўзида узлуксиз икки босқичда амалга оширилади:

- давлат бюджети даромадлари шакллантирилади;
- давлат бюджети маблағлари харажат элементлари бўйича сарфланади.

Давлат бюджети ва бюджет сиёсати ҳамиша давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифалари билан белгиланганлиги, давлат бюджетининг харажатлар қисмига ҳам, даромадлар қисмига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Давлатнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги бюджет барқарорлигининг асосий шартидир.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси – давлатнинг фискал сиёсати моҳияти ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат килиш ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатнинг фискал сиёсати чораларини ишлаб чиқишда энг муҳим вазифалардан бири давлат харажатларини ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмда молияланиши учун солиқ тушумларининг етарлилиги ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, солиқ

юкини камайтириш борасидаги сиёсатни бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан қўшиб олиб борилишини тақозо этади.

Давлат ўз вазифаларини бажаришда давлат бюджети харажатлари муҳим аҳамият касб этади. Миллий даромаднинг бир қисми давлат бюджети орқали қайта тақсимланади ва қайта тақсимлаш натижасида зарур бўлган тармоқлар молиялаштирилади.

Давлат бюджети харажатлари - давлат пул маблағлари фондини тақсимлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар, давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари функциялари ва вазифаларини молиявий жиҳатдан таъминлашга йўналтириладиган пул маблағларидир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ давлат бюджетининг харажат қисми қуйидагилардан иборат:⁴²

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- иқтисодиёт харажатлари;
- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш харажатлари;
- судларни сақлаб туриш харажатлари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;
- бошқа харажатлар.

Давлат бюджети харажатлари мақсадлари, вазифалари бўйича, бюджетдан маблағ ажратиш шакллари бўйича гуруҳларга ажратилади. Мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат бюджети харажатларининг асосий қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари ташкил этади ва иқтисодиёт, инвестиция харажатлари улуши

⁴² Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. –Т: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013й. 52-(I)-сон. 69-модда.

камайиб боради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети “ижтимоий йўналтирилган бюджет” ҳисобланади.

Давлат бюджети харажатлари том маънода давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг молиявий мазмунини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг кейинги йиллардаги таркибий таҳлиллари кўрсатадики, харажатлар номинал мазмунда (мутлак кўрсаткичларида) ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин, унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бир қаторда, давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асослари шакллантирилаётганлигидан далолатдир.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий харажатлар ўсиш тенденциясига эга бўлган. Сўнгги 3 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар 2015 йилда 58,8 фоиздан 2017 йилда 54,6 фоизгача ўсиб борган (2.7-жадвалга қаранг).

Ушбу ҳолат жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида, республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг узоқ, стратегик аҳамиятга эга эканлигидир.

Шунингдек, ушбу харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга, уларнинг давлат бюджети харажатларидаги энг юқори салмоқни ташкил этмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқоролик жамиятлари институтларини ривожлантириш учун маблағлар ва грантлар 2015 йилда 10,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 12,0 млрд. сўмга тенг бўлган ва давлат бюджети харажатлари таркибида 0,02 фоизни ташкил этган.

Давлат бюджети харажатлари таркибининг ўзгариш динамикаси⁴³

Кўрсаткичлар		ЙИЛЛАР					
		2015		2016		2017	
		млрд. сўм	Улуш %	млрд. сўм	Улуш %	млрд. сўм	Улуш %
II.ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ		36257,3	100,0	40911,25	100	49344,9	100
1.	Ижтимоий харажатлар	21316,9	58,8	24101,57	58,9	26922,7	54,6
2.	ННТ, НСТ ва фуқоролик жамиятлари институтларини ривожлантириш учун маблағлар ва грантлар	10,0	0,03	11,0	0,03	12,0	0,02
3.	Иқтисодиёт харажатлари	3821,3	10,5	4319,49	10,6	5280,7	10,7
4.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялашти-риш харажатлари	1838,7	5,1	2089,1	5,1	3234,8	6,6
5.	Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд органларини ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	1605,9	4,4	1822,61	4,5	1932,9	3,9
6.	Бошқа харажатлар	7664,5	21,1	8567,49	20,9	11151,0	22,6

Иқтисодиёт харажатлари эса 2015 йилда 3 821,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 10,5 фоизни ташкил этган. 2017 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 10,7 фоизни ташкил этган. Лекин, ушбу харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2015 йилда жами бюджет харажатлари 4,4 фоизни, 2017 йилга келиб эса бу харажатлар 3,9 фоизни ташкил этмоқда. Демак, номинал мазмунда ушбу харажатлар ўсган бўлсада, уларнинг бюджет харажатларидаги салмоғи камайиб борган.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Юқоридаги жадвал кўрсаткичлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор эканлиги кузатилмоқда.

Ҳозирги шароитда давлат бюджети учун нисбатан юқори даражадаги молиявий юк бўлиб тушаётган ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари бир томондан аҳолининг кам таъминлаган қатламини ҳимоялаш молиявий асосини ўзида ифодалайди. Иккинчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда давлат бюджетининг аҳамияти ортиб бораётганлигини кўрсатиб бермоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга оширишда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалар каби харажатларни ўз ичига олади. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркибида маориф соҳасига энг кўп харажат амалга оширилган бўлиб, 2015 йилда 12162,2 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткис 2017 йилда 15977,7 млрд.сўмга етган, яъни жами давлат бюджети харажатларининг қарийб 32,4 фоизини ташкил этган.

Қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линиясига қилинган харажатлар 2015 йилда 869,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу

кўрсаткич 214,0 млрд.сўмга тенг бўлган, жами давлат бюджети харажатларидаги улуши 0,4 фоиз ташкил этган(2.8-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети амалдаги кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш давлат сиёсатининг мустаҳкам молиявий ресурслар манбаи бўлибгина қолмай, миллий иқтисодиётимиз алоҳида тармоқлари ривожланишида аҳамияти ҳоят юксак бўлмоқда.

2.8-жадвал

Давлат бюджети харажатлари таркибидаги ижтимоий харажатларнинг ўзгариш динамикаси⁴⁴

Кўрсаткичлар		ЙИЛЛАР					
		2015		2016		2017	
		млрд. сўм	Улуш %	млрд. сўм	Улуш %	млрд. сўм	Улуш %
1.	Ижтимоий харажатлар	21316,9	58,8	24101,57	58,9	26922,7	54,6
1.1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	20447,1	56,4	22766,04	55,6	26708,7	54,1
	<i>шундан:</i>						
	Маориф	12162,2	33,5	13831,73	33,8	15977,7	32,4
	Соғлиқни сақлаш	5 218,5	14,4	5811,59	14,2	7 030,3	14,2
	Маданият ва спорт	387,5	1,1	460,57	1,1	750,2	1,5
	Фан	216,7	0,6	238,22	0,6	275,6	0,6
	Ижтимоий таъминот	147,5	0,4	161,14	0,4	435,3	0,9
	Ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловлари	2 102,6	5,8	2043,15	5,0	2 239,6	4,5
1.2	Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси	869,8	2,4	1335,53	3,3	214,0	0,4

Миллий даромаднинг давлат бюджети орқали тақсимланаётган қисми доимо ўзгариб туради, чунки давлат иқтисодий ривожланиш даврида маълум иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилади.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Давлат бюджетининг миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчилик, яъни бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам ортмоқда. Чунки харажатларнинг тўғри йўналтирилиши иқтисодиётни жадал суратларда ривожлантиришни таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг ошишига, мамлакатнинг бойишига олиб келади.

Бундан ташқари, бюджет маблағларини мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг асосий соҳаларини ривожлантиришга сафарбар этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш барча чоралар билан унумдорликни, илмий техника ютуқларини жорий қилиш имкониятларини беради.

Аҳоли турмуш даражасини, уларнинг даромадларини изчил ошириш, иш ҳақи, стипендия, ижтимоий нафақа ва пенсия миқдорини кўпайтириш йўли билан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилди.

Пировардида келажакда давлат бюджети харажатлари самарадорлигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда имкониятлар беради.

Давлатнинг фискал сиёсатининг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини мувофиқлаштириш зарур. Чунки бюджет фақат маблағларни марказлаштириш, уларни тўплаш, жамғаришгина эмас, балки тўпланган молиявий ресурсларни оқилона сарфлашни ҳам ўзида ифодалайди.

Бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатилмоқда.

2-боб бўйича хулоса

Мамлакатнинг фискал сиёсатида солиқ юкининг роли ғоятда муҳим саналади. Шунингдек, фискал сиёсат орқали макроиқтисодий барқарорликка эришишда солиқ тизимини шакллантириш, солиқ ставкасини оптимал

чегарасини аниқлаш ва табақалаштириш, шунингдек, солиқ имтиёзларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджети харажатларни нафақат, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадларини оширишини таъминлаш орқали мамлакат миллий иқтисодиётида ялпи истеъмол талабини рағбатлантиришда муҳим молиявий омил бўлиб ҳисобланмоқда.

Бир сўз билан айтганда мамлакат ўз фискал сиёсатини мамлакатнинг ривожланиши, фуқароларнинг ижтимоий ҳолатини, давлат бюджетини ва корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатишда муҳим аҳамият касб этганлиги учун мунтазам таҳлил ва прогнозлаштириш, энг тўғри ва иқтисодий мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб бориши лозим.

3-БОБ. ДАВЛАТ ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар тушумини такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда истиқлол йилларида давлат молиясини бошқариш соҳасида туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади давлат бюджети даромадларини ўз вақтида, тўлиғича шакллантирилишига эришиш, харажатларни мақсадли ва манзилли ҳолда маблағ билан таъминланишига эришиш ҳисобланади. Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш ислоҳотлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши бюджет тизимини такомиллаштириш учун асосий ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилди. Унинг нормалари ва қоидалари Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар ҳам амал қилади.

Самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритиш бир томондан миллий иқтисодиётнинг барқарор тараққиёти учун муҳим фискал омил ролини ўйнаши билан бирга, иккинчи томондан давлат бюджети даромадларини шаклланишининг барқарорлигини таъминлаши зарурдир. Шу нуқтаи назардан бюджет-солиқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, солиқ сиёсатининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда ушбу икки вазифа устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон солиқ тизимининг ривожланиши негизига бир канча тараққий этган хорижий давлатларда асосий ҳисобланган ва ўз

самарадорлигини кўрсатган солиқ тизимининг тузилиш тамойиллари асос қилиб олинган. Улар орасида давлат томонидан қаттиқ марказлаштирилган бошқарув асосида солиқ тизимини бир бутунлигини таъминлайдиган тизимлилик; солиқни ундиришнинг кенг қонунчилик асоси; айрим ҳолларда солиқ тўловчига солиқ солишнинг аниқ тизимини танлаш ҳуқуқи берилган солиқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик; солиқларни умумдавлат (марказий) солиқлари ва маҳаллий солиқларга қатъий бўлиш; ҳар йили солиқлар ставкаларини аниқлаш ҳамда давлат томонидан ҳар йили қабул қилинган давлат бюджети тўғрисидаги қонун доирасида сиёсий ўзгаришлар ва иқтисодий конъюктурани ҳисобга олган ҳолда, солиқ сиёсатини амалга ошириш имконияти билан таъминланган солиқ тизимининг қайишқоқлиги (мослашувчанлиги); мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган, ривожланиш суръатлари, иқтисодий соҳаларнинг молиявий аҳволи, инфляция даражаси, вилоятлар ва туманлар иқтисодий ривожланишини тенглаштириш каби омиллар ҳисобга олинган, ёрқин ифодаланган солиқ тизимининг ижтимоий йўналиши тамойиллари ажралиб туради. Бундан ташқари, солиқ тизимининг ривожланиш негизида маълум ҳуқуқий институтлар ва тушунчалар ётади, уларни эътиборга олмаслик солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини келтириб чиқаради, солиқ йиғимларидан келиб тушадиган маблағларнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Солиқнинг маъмурийлаштириш ташкилий-ҳуқуқий унсурларининг мувозанатлашувига, назоратнинг шакл ва услубларига ҳам катта эътибор қаратилади.

Солиқ институтларининг юзага келиши давлат ва бозор инфратузилмаси мавжудлиги ҳамда уларнинг ишлаши билан боғлиқ объектив зарурият натижасидир. Агар собиқ режали тақсимот тизими доираларида корхоналар фойдасининг турли ишлаб чиқариш фондларини шакллантиришдан қолган қисми бюджетга ўтказилган бўлса, бозор иқтисодиёти солиқ муносабатларининг аҳамиятлилигини ҳокимият органларини молиявий маблағлар билан таъминлаш усули сифатида,

иқтисодий жараёнларга тараққий этган давлатнинг таъсир кўрсатувчи муҳим унсури сифатида белгилаб берди. Давлат билан солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахслар ўртасида солиқ солиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи янги ҳуқуқий тизим яратилди.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш услуби ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда энг асосий вазифа бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтиришдан иборатдир.

Ушбу вазифани бажарилиши қуйидагиларни амалга оширишда намоён бўлади:

- солиққа тортишнинг ўхшаш базасига эга бўлган солиқларни бирхиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш;
- ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни рағбатлантирувчи ресурс солиқлари ставкаларини мақбуллаштириш;
- солиқларни йиғилувчанлик даражасини оширишни кенгайтиришга қаратилган.

Солиқларнинг ундирилувчанлиги - қонунчилик асосида белгиланган солиқларнинг шу вақтида ва тўлиғича давлат бюджетига тушишини таъминлашдир.

Муҳтарам Президентимиз ўзининг бир қатор маърузаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ва соддалаштирилган солиқ тизимини муттасил равишда такомиллаштириш орқали давлат бюджети даромадларини

шакллантириш ва тўпланган бюджет маблағларини тўғри тақсимланиши устидан назоратни кучайтириш лозимлигига алоҳида урғу бериб келмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий фуқаролик давлати куриш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган асосий стратегик вазифадир. Бирок ҳозирги ўтиш даврида барча ислохотларга мос бўлган яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисмини ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш, рухсатсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва солиқ объекти базасини яшириш каби йўллар билан ноқонуний даромад олиш мамлакатимизда ҳам мавжуд. Ушбу ҳолатга қарши курашиш айниқса, бугунги жаҳон-иқтисодий инқироз шароитида ўта муҳимдир. Ушбу ҳуқуқбузарлар маълум вақт давомида олинган ноқонуний даромадлар эвазига бойиб борадилар. Ноқонуний ва назоратсиз даромадлар олаётган солиқ тўловчиларнинг амалга ошираётган ҳатти-ҳаракатлари жамиятда қонунларга риоя қилиб фаолият кўрсатаётган ва қонуний равишда даромад олиб, белгиланган солиқларни ўз вақтида ва тўлиғича тўлаб бораётган солиқ тўловчиларни яширин иқтисодий секторга ўтиш манфаатли деган тушунчага олиб келишига сабаб бўлади. Бундай турдаги қонунбузарликлар албатта солиқларнинг ундирилувчанлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари манбаи ва миқдорини назорат остида ушлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда олиб борилган солиқ сиёсатида солиқ юкини изчил камайтириш устувор аҳамиятга эга бўлиб, пировард натижада солиқ тизимининг миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишига ижобий таъсирини таъминлаш имкониятларига эга бўлинди. Лекин шу билан бир қаторда ушбу масалага оид муаммоларнинг мавжудлиги солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва солиқлар бўйича боқиманда қарздорликни камайтириш юзасидан ислохотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам истиқболдаги солиқ тизимидаги

ислохотларда солиқларнинг давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш, турли даражада бюджетлар молиявий бақарорлигини таъминлаш масалалари устувор аҳамият касб этиши белгилаб олинган.

Мамлакатмизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик муҳим бегиларидан бири давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда давлат бюджети тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлсада, солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларни ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети харажатларини манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида бюджет профицит билан ижро этилмоқда.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида шундай хулосаларга келиндикки, амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсати бир томондан мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатини ривожлантиришдаги асосий йўналиш бу давлат учун ҳам, бозор қатнашчилари учун ҳам қулай фискал шароитларни яратишдир. Бунда солиқ ислохотининг асосий мақсади фақат бюджет даромадларини кўпайтириш бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, тадбиркорликни рағбатлантириш ва фаолият фаоллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоғи лозим.

Ушбу мақсадга эришиш учун эса қуйидаги жиҳатларни чуқур ўрганиб таҳлил қилиш, ҳамда турли амалий ишланмаларни ишлаб чиқиш лозим бўлади:

- солиқларнинг ундирилувчанлик даражаси ва унга таъсир қилувчи омиллар;
- солиқ имтиёзлари ва унинг солиқ ундирилувчанлик даражасига таъсири;
- солиқ юки ва унинг миқдорий чегараси;
- солиқ назорати, уни ташкил этишни такомиллаштириш йўллари;

➤ турли солиқ турлари бўйича солиқларнинг ундирилувчанлик даражасини ошириш.

3.2. Фискал сиёсат самарадорлигини ошириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари

Замонавий фискал сиёсат давлатнинг молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини, шунингдек, молиялаштириш усуллари ва давлат бюджетини тўлдиришнинг асосий манбаларини белгилаб беради. Айрим мамлакатларнинг ўзига хос тарихий, ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб, фискал сиёсатнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, Ғарб мамлакатларида умумий чора-тадбирлар қўлланилиши натижасида фискал сиёсат мамлакат иқтисодиётини тартибга солишнинг бевосита ва билвосита молиявий усуллари ўз ичига олади. Фискал сиёсат мавзуси бугунги кунда жуда долзарб аҳамиятга эга, чунки мамлакатимиз иқтисодиёти кундан кун ислохотларга юз тутиб, аҳоли сони ортмоқда ва натижада, ҳар бир инсоннинг тақдири таъбир жоиз бўлса бутун мамлакат тақдири ҳукуматнинг молия сиёсатини қандай амалга ошираётганига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Фискал сиёсатни қўллаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичи давлат бюджети бўлганлиги сабабли, бу бюджет-солиқ сиёсатининг турли воситаларини ушбу кўрсаткичга таъсирини ҳисобга олиш зарур ҳисобланади.

Давлат харажатлар таркиби ва солиқларни ўзгартириш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, ишсизлик ва инфляцияга таъсир кўрсатиши мумкин. Фискал сиёсат давлатнинг ривожланишига ва мамлакатнинг иқтисодий вазиятига ўз таъсирини бевосита ўтказади. Шу сабабдан, мамлакатнинг мавжуд фискал сиёсатини таҳлил этиш ва режалаштирилган фискал сиёсатнинг оқибатларини башорат қилиш жуда муҳимдир.

Давлатнинг фискал сиёсати – давлатнинг олиб бораётган муҳим сиёсатларидан бири саналади. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан фискал

сиёсат халқ ҳўжалиги ривожланиш суръатини ва йўналишини белгилайди. Агарда, давлатнинг иқтисодиётининг ривожланиш тезлиги секинлашса, биринчи навбатда фискал сиёсатнинг асоси сифатида солиқ тизимини таҳлил этиш лозим. Фискал сиёсат шунчаки давлат бюджетини шакллантириш учун хизмат қилмасдан, балки жамиятнинг нормал ҳаёт фаолиятини тўлақонли равишда олиб бориш учун муҳим саналган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Фискал сиёсат борасида олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади бюджет тизимининг шаффофлигига эришиш, шунингдек, меъёрий базаларнинг ишончилиги ва олдиндан башорат қила олишлик даражасини ошириш, солиқ базасини кенгайтиришда солиқ юкини пасайтириш, давлат харажатлар таркибини такомиллаштириш ва самарасиз давлат инвестицияларини қисқартиришдан иборатдир.

Фискал сиёсат таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз тўловларни қонуний жорий этиш;
- амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизм шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;
- фискал сиёсатни амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;
- солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлат фискал сиёсатининг асосий йўналиши бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган қатор илмий асосланган солиқларни жорий этиш ва шу орқали мавжуд солиқ тизимини тубдан қайтадан ташкил этишдан иборат бўлди. Фискал сиёсатнинг кейинги йўналиши эса жорий этилган солиқларни самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида солиқ муносабатларини

амалга оширувчи тегишли муассасаларнинг ташкил этишга қаратилди.

Бугунги кунда республикамиз фискал сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, билвосита солиққа тортиш самарадорлигини таъминлаш, ресурс солиқларига кўпроқ эътибор қаратиш, солиқ тизимининг соддалигига эришиш, давлат харажатларини оптималлаштириш кабиларни қайд этиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясининг асосий йўналишлари сифатида солиқ солиш принциплари ва солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, айрим солиқлар кесимида концептуал муаммоларни аниқлаш, солиқ солиш соҳасидаги энг яхши жаҳон амалиёти ва глобал тамойилларини жорий этиш, солиқ назорати ва солиқ низоларини кўриб чиқиш таомилларини такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тизимини такомиллаштириш кабилар белгиланган. Ушбу концепциянинг қабул қилишдан мақсад бугунги кундаги фискал сиёсатнинг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланган солиқ тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, инвестициялар ва Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромад қисми мунтазам ўсишини рағбатлантиришга хизмат қилувчи замонавий солиқ тизимини яратишдан иборатдир. Солиқ концепциясида шунингдек, бугунги кунда солиққа тортиш тизимида амал қилиб келаётган солиқ турини қисқартириш, жумладан, ягона солиқ тўлови, қўшимча фойда солиғи, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, ягона ижтимоий тўлов каби солиқларни бекор қилиниши ва улар ўрнига янги турдаги солиқ турини жорий этилиши кўзда тутилган.

Таъкидаш жоизки, Бугунги кунда солиққа тортиш борасида бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг оқибатлари мамлакат иқтисодиёти

ривожига сезиларли даражада тўсқинлик қилмоқда. Мисол тариқасида дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари билан солиштирганда мамлакатимизда солиқ юки юқорилиги, солиқ тизимининг мураккаблиги ва оқилона эмаслиги, якка тартибдаги имтиёз ва преференцияларнинг кўплигини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” солиқ солиш соҳасидаги рейтингда 78 –ўринни эгаллайди.

3.1-жадвал

Солиқ солиш тизимининг индикаторлари⁴⁵

Мамлакат/Минтақа	Солиқ солиш рейтинг	Тўловлар (бир йилдаги сони)	Вақт (бир йилдаги соатлар)	Солиқлар ва бадаллар умумий ставкаси (фойдадан, %)
Қирғизистон	151	51	225	29
Тожикистон	132	6	224	65,2
Беларусь	96	7	184	52,9
Арманистон	87	14	313	18,5
Ўзбекистон	78	10	181	38,3
Европа ва Марказий Осиё	70	16,5	218,4	33,1
Россия Федерацияси	52	7	168	47,5
Қозоғистон	50	7	178	29,2
Грузия	22	5	269	16,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими янада ислоҳ қилишга муҳтожлигидан далолат беради.

Бу йўналишда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтириш мақсадида, энг аввало уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда солиқ юкини камайтириш натижасида корхоналарда ўз ихтиёрида қоладиган маблағлардан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлади.

⁴⁵ <http://russian.doingbusiness.org/data/exploretopics/paying-taxes>

Сўнгги йилларда солиқ қонунчилиги такомиллашиб бормокда. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг бир қанча моддаларига ўзгартиришлар киритилаётганлигида ўз аксини топади. Хусусан, “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 454-сонли Қонунга мувофиқ солиқ кодексида келтирилган 28 турдаги солиқ солиш базасидан чегирилмайдиган харажатлардан 10 тасини чегириш имкони берилиши, шунингдек, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалари 0,5 фоизга пасайтирилиб, 16,5 ва 22,5 фоиз қилиб белгиланди ҳамда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий бадал суммаси 1 фоиздан 2 фоизга оширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган фискал сиёсатнинг бир кўринишини ўзида ифода этади десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 31 майда “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда айрим хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар бериш юзасидан шаклланган амалиётда бир қатор жиддий муаммолар санаб ўтилган. Хусусан, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини, жумладан уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик мавжуд эмаслиги қайд этилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида келтирилган вазифаларга мувофиқ равишда мазкур қарорга кўра, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши, аниқ мақсадга эга бўлиши, вақтинчалик имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги берилган имтиёзларни муддатидан олдин тугатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига асослантирилган таклифлар киритиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, ушбу қарорга мувофиқ 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетдаги йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб борилиши қайд этилди.

Амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсати, биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, амалдаги фаол ижтимоий сиёсат ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда давлат бюджетига алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, ушбу вазифаларнинг самарали ижроси таъминланмоқда.

Шундай экан, бизнинг фикримизча, молиявий муносабатларнинг кейинги эркинлаштириш ва чуқурлаштириш йўлида солиқ тизимида зарур изчил ўзгаришларни амалга оширишда солиқларнинг рағбатлантириш функциясини кучайтириш ва солиқ тизимини такомиллаштиришда қуйидаги йўналиш ва чора-тадбирлар унинг асосини ташкил этиши лозим деб ўйлаймиз:

- солиқларнинг содда, тушунарли ва кўп йиллилигини таъминлашда, солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш ва солиқ солиш механизминини тартибга солиш;
- солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш;

➤ бир хил фаолият билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча солиқ тўловчиларни адолатлилик ва тенглик тамойили асосида солиққа тортиш;

➤ иқтисодиётдаги солиқ юкини янада камайтириш; икки марта солиққа тортишни олдини олиш.

3-боб бўйича хулоса

Фискал сиёсат борасида олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади бюджет тизимининг шаффофлигига эришиш, шунингдек, меъёрий базаларнинг ишончилиги ва олдиндан башорат қила олишлик даражасини ошириш, солиқ базасини кенгайтиришда солиқ юкини пасайтириш, давлат харажатлар таркибини такомиллаштириш ва самарасиз давлат инвестицияларини қисқартиришдан иборатдир.

Давлат харажатлар таркиби ва солиқларни ўзгартириш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, ишсизлик ва инфляцияга таъсир кўрсатиши мумкин. Фискал сиёсат давлатнинг ривожланишига ва мамлакатнинг иқтисодий вазиятига ўз таъсирини бевосита ўтказади. Шу сабабдан, мамлакатнинг мавжуд фискал сиёсатини таҳлил этиш ва режалаштирилган фискал сиёсатнинг оқибатларини башорат қилиш жуда муҳимдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатда олиб борилаётган фискал сиёсат иқтисодий ва барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ижобий таъсир этиши лозим. Фискал сиёсатнинг самарадорлиги мамлакатда оптимал солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини таъминлаш натижасида рақобатбардош товарлар ва хизматлар бозорини шаклланиши билан белгиланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган фискал сиёсат ва амалдаги солиқ тизимини ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларда юритилаётган фискал сиёсатининг илғор тажрибаларини таҳлил этиш натижасида қуйидаги хулосаларни келтириб ўтишни лозим топдик:

биринчидан, ҳозирги давр давлат бошқаруви тизимида солиқларнинг функциялари ўзаро алоқадорлик ва таъсирда намоён бўлмоқда. Уларнинг давлат қурилиши, тадбиркорлик ва ижтимоий функциялари бозор иқтисодиётига мос равишда амал қилмоқда;

иккинчидан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва мамлакат иқтисодий ривожланишининг омили бўлиб қолмоқда;

учинчидан, фискал сиёсатда ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилаётган амалдаги имтиёзлар тизимини таҳлил этиш натижасида айрим имтиёзларнинг самараси пастлиги аниқланди;

тўртинчидан, бугунги кунда иқтисодий тармоқлари ўртасида солиқ юкининг нотекис тақсимланаётганлиги маълум бўлди;

Магистрлик диссертация ишининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, уни атрофлича ўрганиш мамлакатимизда олиб борилаётган фискал

сиёсат самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқишга асос бўлди:

1. Ҳозирги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида, йилдан-йилга солиқларни фискаллик функциясини камайтириб бориш лозим;

2. Бизнинг фикримизга кўра, фискал сиёсат стратегиясини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга риоя этилишини таъминлаш лозим:

➤ солиқ тизимини барқарорлиштириш;

➤ хўжалик юритувчи субъектларни тармоқ нуктаи назаридан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар адолатлилик тамойили асосида солиққа тортиш;

➤ тенг даромад даражасига эга бўлган солиқ тўловчиларнинг турли тоифалари учун солиқ юкини тенглигини таъминлаш.

3. Фискал сиёсат одатда солиқлар орқали тартибга солиш чоратадбирлари мажмуи бўлиб, мамлакат олдидаги макроиқтисодий вазифалар характериға боғлиқ ҳолда ўрганилиб солиқларни оптимал даражасини белгилашни талаб этмокда. Шу сабабдан, тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини бюджет даромадларидаги тегишли йўқотишлар миқдорини аниқ баҳолайдиган, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган мақсад самарадорлиги таҳлил қилинадиган ривожланган давлатларнинг андозалари асосида такомиллаштирилган, фискал ва иқтисодий мониторингдан ўтказиш бўйича услубиётни ишлаб чиқиш лозим;

4. Солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, самарасиз ва кам самара бераётган солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ субъектларининг солиқ ҳисоб-китоблари ва уларни тўлашдан манфаатдорлигини ошириш каби йўналишлар стратегик аҳамият касб этмокда;

Олиб борилган таҳлиллар натижасида фискал сиёсати самарадорлигини ошириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ўртасида солиқ юкини тақсимлаш механизмининг оптимал вариантларини

ишлаб чиқиш бўйича келтирилган тавсия ва таклифлар, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш тамойилларига мос келади ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барқарор ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади деб уйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси:- Т.: “Ўзбекистон”– 2017 й. 57-б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018й., 03/18/476/1087-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет Кодекси”. - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. //”Халқ сўзи”, 8 февраль 2017 йил.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли қарори.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ 2699-сонли қарори.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ 2455-сонли Қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1257 сонли Қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш

тўғрисида”ги 1999 йил 3-сентябрда 414-сонли қарори ва ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори билан ўзгартиришлар киритилган.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 2847-сонли “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 мартдаги Қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома”си. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда ўтказилган мажлисдаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» маърузаси. //Халқ сўзи. 16.01.2017 й

1.13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

1.14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

1.15. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

1.16. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

1.17. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги

маърузаси: Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. www.uza.uz

1.18. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 17 январ.

1.19. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.— Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 71 б.

1.20. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 1998. Б.-358.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурова Н. Солиқ сиёсати стратегияси (Ўқув қўлланма) Т.: 2013.

2.2. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик “Иқтисод –Молия” Т.: 2014

2.3. Тожибоева Д., Иқтисодиёт назарияси – Т.: 2003 й., 309-б.

2.4. Хаджаев Х.С., Бакиева И.А., Файзиев Ш.Ш.. Макроиқтисодиёт (Ўқув қўлланма) - Т.: ТМИ, 2014, 268 бет.

2.5. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011, 13-бет.

2.7. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалари, ўқув қўлланма, “Иқтисод-молия”, 2007 й.

- 2.8. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: Дарслик. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”. 2011й. 171б.
- 2.9. Адизов С. Солиқ юки динамикасидаги ўзгаришларни эконометик моделлаштириш, Молия Журнали. 1/2016, 89-б.
- 2.10. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. — М.: Финансы и статистика, 1993.
- 2.11. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? Рисола. -Т.: 2006. -32 б.
- 2.12. Маликов Т.С. Бюджет даромадлари ва харажатлари/ Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. - Ташкент: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2007. - 245 с
- 2.13. Маликов Т.С. Давлат бюджети/ Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. - Тошкент: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2007. - 84 б.
- 2.14. Белова И.А. «Типы фискального политики государства» Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 6 (187). Экономика. Вып. 26. С. 69–75.
- 2.15. Ниязметов И. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: 2016. 72-б.
- 2.16. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. / Монография. “Фан” нашриёти. 2004 й.
- 2.17. Michael Keen. Ben Lockwood. The value added tax: Its causes and consequences. Journal of Development Economics. Vol.92, Issue 2, July 2010, Pages 138-151.
- 2.18. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола Т.: 2017 “Маънавият”.

III.Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2017 йил январ-декабр.

3.2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил январ-декабр.

3.3 Интернет сайтлари.

- <http://www.soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти
- <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти
- <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти
- <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази расмий сайти.
- <http://www.tfi.uz> - Тошкент молия институти сайти.
- <http://www.scopus.com> - Илмий журналлар, китоблар ва конференция материалларининг маълумотлар баъзаси
- <http://www.sciencedirect.com> - Илмий мақолалар, нашрлар ва конференция материалларининг маълумотлар баъзаси
- <http://www.russian.doingbusiness.org> – Жаҳон банкининг “Doing business” баҳолаш рейтингининг расмий сайти